

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИНИ ЯРАТУВЧИ МУАЛЛИФЛИК ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланган ҳолда дарс ишланмаси яратиш

*Ғ.М.Нурматов—(СамДЧТИ ўқитувчиси)
Ф.А.Эгамбердиева—(СамДУ академик лецеи ўқитувчиси)*

Бугунги кунда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсад мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан биридир. Шу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аجدодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта. Соҳани янада ривожлантириш учун, аввало, зарур инфратузилмани такомиллаштириш шарт. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016-йил 2-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони туризм тармоғини жадал ривожлантиришни таъминлаш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, минтакаларда туризм салоҳиятидан самарали фойдаланишда муҳим омил бўлмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон туризм салоҳиятини комплекс ривожлантиришга қаратилган 16 норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Ушбу ҳужжатлар асосида туризм соҳаси субъектларига сезиларли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда бошқа енгилликлар тақдим қилинди. Туризм соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда мамлакатимизни туризм янада ривожлантиришни тадбиқ қилишдан иборатдир. Бу мултимедиа дастурида туризм сайтларига қуйилса жуда катта самара беради. Чунки бу мултимедиа ишланмалар турли хил тилларда тайёрланганидир

Кейинги йилларда мултимедиа ҳужжатларини яратишга оид жуда ҳам кўплаб дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган. Улардан бири AutoPlay дастуридир. Исталган файл ёки файллар тўпламини битта муҳитга бирлаштириш, қолаверса, CD ёки DVD дисклар учун AutoRun-менюси ҳосил қилишда AutoPlay Media Studio энг кучли визуал пакет ҳисобланади. Мултимедиа технологияларига асосланган амалий дастурларни яратиш учун AutoPlay Media Studio дастуридан фойдаланиш фойдаланувчилар учун жуда осон ва қулай интерфейсни тақдим этади. AutoPlay Media Studio билан ишлашда деярли дастурлаш ишлари талаб қилинмайди. Фойдаланувчи фақат турли дизайнли дастурий муҳитни танлаш учун бир нечта тайёр шакллардаги лойиҳа шаблонларидан фойдаланиши мумкин.

Бунда амалий дастур муҳитини дизайнга бой ҳолатга ташкил этиш учун AutoPlay дастурий воситаси таркибида тайёр объектлар мавжуд бўлиб, улар таркибига буйруқ тугмаси, товуш кучайтиргичи, файлларни принтердан босмага чиқаришни таъминловчи Веб-сайтларни очувчи ва уларга мурожаатни амалга ошириб берувчи қатор функционал объектларни киритиш мумкин.

Қолаверса, маълумотларни CD учун тайёрлаган ҳолда уни дастурнинг ўзидан туриб, CD ёки DVD га ёза олиши AutoPlay Media Studio дастури нақадар кенг имкониятларга эга эканлигини кўрсатади. Тайёр лойиҳа бунда .exe кенгайтмали файл сифатида ўзи очилувчи архив кўринишда ёки қаттиқ дискдаги алоҳида папкада шакллантирилиши мумкин. Бундан ташқари, дастурга матнни орфографик текшириш имконияти ҳам киритилган. Дастурнинг бу хоссаси унинг Label, Paragraph ва Button

каби объектлари билан бирга ишлайди. Агар дастур компьютерга тўлиқ версия билан ўрнатилган бўлса, матнни орфографик текшириш учун унинг кутубхонасида жуда катта ҳажмдаги луғатлар бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, AutoPlay Media Studio 7.0 нинг янги версияси қуйидаги имкониятларга эга ҳолда истеъмолга чиқарилган.

1. Автоматик ишга тушувчи хусусий меню, интерфаол тақдимотлар, мультимедиа-иловалар, санокли дақиқаларда дастурий таъминотларни яратиш;

2. Лойиҳага турли-туман фотография, мусиқа, видео, анимация, матн ва бошқаларни бириктира олиш хусусияти;

3. Веб-илова яратишга мўлжалланган мукамаллашган инструментлар;

4. XML, SQL ва шифрлаш механизмлари билан ишлай олиши;

5. RTF -форматли ҳужжатлар билан ишлай олиши;

6. Слайд-шоу билан ишлаш имконияти;

7. Матн рангини ўзгартириш учун RadioButton обектининг мавжудлиги;

8. Босмага чиқаришнинг кенгайтирилган функцияси;

9. Обектларни форматлаш имконияти;

10. Калит сўзлар ёрдамида қидирув тизимининг мавжудлиги;

11. CD, DVD каби компакт дискларга ёзиш имконияти ва ҳоказо.

Агар AutoPlay Media Studio нинг русча варианты ўрнатилган бўлса, у ҳолда таклиф рус тилида, инглизча варианты ўрнатилган бўлса, у ҳолда таклиф инглиз тилида бўлади.

Бу дастур дискларни автоматик ишга туширилувчи визуал қобиқлар яратишга мўлжалланган дастур ҳисобланади. Бу дастур ёрдамида электрон дарсликлар, CD/DVD ташрифномалар, тақдимот ва содда ўйинлар яратиш мумкин.

Дастурнинг энг қулай томони дастурлаш тиллари билан нотаниш фойдаланувчилар ҳам ундан мувофакқиятли фойдаланишлари мумкин. C++, Java, VisualBasic дастурлаш технологияларидан хабардор шахслар учун бу дастурнинг имкониятлари янада кенгрокдир.

Бу дастурий восита орқали чет эллик сайёҳларга Ўзбекистондаги тарихий жойларга қизиқишини ортиради ва жалб қилади. Туризмни ривожлантиришда хориж мамлакатларида бўлиб ўтадиган сайёҳлик кўргазма ва анжуманлари муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Токио, Лондон, Москва, Истанбул каби дунёнинг йирик шаҳарларида қатор кўргазмалар ташкил этилмоқда ёки халқаро кўргазмаларда қатнашмоқда. Бу, албатта, ўз самарасини бериб, хорижий сайёҳларнинг юртимизга оқими тобора кўпаймоқда.

Шу мақсадда сайёҳларга туризм соҳасига мўлжалланган визуаллаштирилган дастурий восита яратиш дастури ишлаб чиқилди.

Бу дастур инглиз тилида тарихий жойларни таништиришда жуда самарали дастурий восита ҳисобланади. Бу дастурий воситанинг ишлатиш жараёни қуйдагича амалга оширилади.

Бу файл дастур билан autorun.exe файлида қуйидаги кўринишда бирлаштирилган:




2-расм. Асосий ойна

Enter тугмаси орқали кейинги ойнага ўтилади. Дастурни ишлатиш учун тугмаларни танлаш талаб қилинади. Дастур интерфейсининг асосий кўриниши ҳосил бўлади:



3-расм. **Flash** Тугмани танлаш орқали ишланмани кўриниши ёритилади.



4-расм. **Text&Audio** тугмани танлаш орқали ишланмани кўриниши ёритилади

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бу визуаллаштирилган дастурий восита инглиз тилида тарихий жойларни таништиришда жуда самарали дастурий восита ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Порев В.Н. Компьютерная графика. СПб, ВНВ, 2002.
2. Петров, Молочков. Компьютерная графика. Учебник. Питер. 2002.